

**Комилова Д. К.**

*«Агрохимё ва тупроқшунослик» кафедраси ассистенти  
Андижон қишлоқ хўжалик институти,  
Ўзбекистон, Андижон*

**Якубова З. А., Алижонова Г. А.**

*«Агрономия» факультети талабалари  
Андижон қишлоқ хўжалик институти,  
Ўзбекистон, Андижон*

**Комилова Д. К.**

*ассистент кафедрасы «Агрохимия и почвоведение»  
Андижанский сельскохозяйственный институт,  
Узбекистан, г. Андижан*

**Якубова З. А., Алижонова Г. А.**

*студенты факультета «Агрономия»  
Андижанский сельскохозяйственный институт,  
Узбекистан, г. Андижан*

**Komilova D. K.**

*Assistant of the department «Agricultural chemistry and soil science»  
Andijan Agricultural institute,  
Uzbekistan, Andijan*

**Yakubova Z. A., Alijonova G. A.**

*Students of the Andijan Agricultural institute  
Andijan Agricultural institute,  
Uzbekistan, Andijan*

**ЎЎЗА ҚАТОР ОРЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ ЧУҚУРЛИГИНИ,  
ПАХТА ТОЛАСИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ  
ВЛИЯНИЕ ГЛУБИНЫ МЕЖДУРЯДНОЙ ОБРАБОТКИ ХЛОПЧАТНИКА,  
УЛУЧШЕНИЮ КАЧЕСТВА ВОЛОКНА-СЫРЦА  
DEPTHS INTERROW PROCESSING OF COTTON, IMPROVE  
THE QUALITY OF COTTON FIBER-RAW**

**Аннотация.** Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида 90 см ли ўўза қатор ораларига биринчи ишловни 17–18 см, кейингиларни 14–16 см чуқурликда ўтказиб, ягоналаш олгидан 23–25 см чуқур юмшатиб, сугоришларни ЧДНС га нисбатан 70–70–60 фоизли тартибда ўтказилганда ўўзадан эртаги ва юқори пахта ҳосил олинади.

**Таянч сўзлар:** ўўза қатор ораларига табақалаб ишлов бериш, сугориш тартиби, тупроқнинг сув-физик ҳоссалари, тупроқнинг агрохимёвий ва агрофизикавий хоссалари, ўсимлик илдизи, ривожланиши, пахта ҳосили, тола сифати.

**Аннотация.** Впервые в условиях светлых серозёмов на посевах хлопчатника научно обоснована эффективность дифференцированной глубины междурядной обработки на фоне режимов орошения 70–70–60% от НВ и внедрено в производство. Проведение рыхления междурядий на глубину 23–25 см перед прореживанием растений, превой международной обработки на глубину 17–18 см, а последующих –14–16 см оказало положительное влияние на водно-физические свойства почвы развитие и плодоношение, способствовало повышению урожайности, а также улучшению качества волокна хлопка – сырца.

**Ключевые слова:** глубина обработки междурядий хлопчатника, режим орошения, агрофизические и агрохимические свойства почвы, рост, развитие, корневая система, урожайность.

**Summary.** For the first time in a bright sierozems on cotton crops scientifically proved the effectiveness of differentiated depth of inter-row cultivation on the background of irrigation regimes 70–70–60% of the HB and put into production. Carrying loosening between rows at a depth of 23–25 cm before thinning plants, the provost of the international processing to a depth of 17–18 cm, and the next –14–16 cm had a positive effect on water-physical properties of soil development and fruiting, helped increase productivity and improve the quality of cotton fiber – raw.

**Key words:** deep processing of cotton row spacing, irrigation regime, agro physical and agrochemical properties of the soil, growth, development, root system, yield.

Кишлоқ хўжалигида, хусусан пахтачиликда ғўза ўсимлигига таъсир этувчи омилларининг бировзгина ўзгариши ҳам унинг ўсиш, ривожланиш, ҳосилдорлиги ҳамда ҳосил сифатига маълум даражада таъсир этмай қолмайди. Бу таъсирдан пахтанинг тола хусусияти ҳам мустасно эмас, албатта.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида дала тажрибалари олиб борилди, бунда қатор ораларига ишлов ишлов беришда, ишлов чуқурлигини табақалаб белгилаб, икки хил суғориш муҳитида ғўзанинг С-6524 навининг ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплаши ҳамда пахта толасининг технологик хосалари ўрганилди.

Тадқиқотлардан олинган 1-жадвал маълумотларини таҳлил қилиб шунга амин бўлиш мумкинки, ғўза илдизлари ҳаёт фаолияти олиб борган тупроқ муҳитининг ишловлар таъсирида ўзгариши пахта толасининг технологик хусусиятларига ҳам жиддий таъсир этар экан. Бу ўринда ишлов технологиясининг ғўза илдиз тизимини шикастланиши, бутунлай қирқиб юбориши асосий таъсир эканлиги кузатилди.

Жадвал маълумотларидан аниқ кўрилиб турибдики, пайдар-пай қирқилиб, шикастланиб турган 2, 3 ва 5 вариант ўсимликларидаги пахта толасининг сифат кўрсаткичлари ҳамма ҳолларда илдиз тизими 2 баробар кам жароҳатланган 4 ва 6 вариантлардагидан жиддий даражада паст бўлар экан.

Бундай салбий таъсир айниқса ғўза ўсимлиги ЧДНС га нисбатан 65–65–60 фоизли суғориш тартиби вариантларида яққол кўринади.

Хусусан, қатор ораларига барча ишловлар асосан 17–18 ва 18–20 см ишланган вариантларда толанинг узунлигини андоза вариантга нисбатан қисқариши, тола чиқишини қисман камайиши, тола пишиқлиги ҳамда нисбий узилиш узунлигини озайишида намоён бўлди. Мазкур вариантларда тупроқ намлигини мўътадил бўлмагани ёки танқислик содир бўлганлиги оқибатида тола дағаллашиб ҳатто унинг саноат типи ҳам андозавий чегарадан кам (IV-тип толанинг метрик рақами энг ками 5600 метр бўлиши керак) чиққанлиги ҳисобига V-типга мос келиб қолди. Чунки, мазкур вариантлардан олинган толаларнинг метрик рақами IV-саноат типи талабидан 30–50 метрга камайган эди.

6-вариантларда яганалашдан олдин 23–25 см чуқур юмшатиш ўтказилган.

Толани саноат типининг пасайиши иқтисодий самардорликка алоқадорлигини ҳисобга олсак ғўза қатор ораларига кейинги ишловларни мунтазам чуқур ўтказишни зарарли оқибатлари янада жиддий тус олади.

Аммо тажриба даласида ўрганилган С-6524 ғўза нави толасининг саноат типи суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–70–60 фоиз бўлганда барча вариантлар навнинг хусусиятига айнан мос даражада бўлган тола сифатига монанд бўлди. Ёки бу кўрсаткич толанинг саноат типи бўйича вариантларро тафовутлар қайд этилмади. Бу билан ғўза ўсимлиги пахта толасининг шаклланишида тупроқ намлиги билан мунтазам таъминлашнинг аҳамияти катта эканлиги яна бир бор исботланди. Чунки, толанинг энг мақбул микропейри (4,3 г/куч) 4 ва 6 вариантларда қайд этилди.

Айни пайда, ғўза қатор ораларини ишлаш технологиясининг пахта толаси сифат кўрсаткичларига таъсири бўйича қонуниятлар худди, ЧДНС га нисбатан 65–65–60 фоизли суғориш тартибидагидек сақланиб қолди. Фақат 70–70–60 фоизли суғориш тартибида толанинг сифат кўрсаткичлари бироз юқори бўлгани қайд этилди.

Жумладан, пахта толасининг сифат кўрсаткичларига энг салбий таъсир кўрсатган дастлаб саёз (14–16 см), кейинги ишловлар мунтазам 18–20 см чуқурликда ўтказилган 5-вариантда, суғориш тартиби ЧДНС га нисбатан 65–65–60фоизли бўлганда толанинг метрик рақами 5570 метр, толанинг саноат типи V тоифага тўғри келган бўлса, суғориш тартиби ЧДНС га нисбатан 70–70–60 фоиз бўлган худди шу вариантдаги метрик рақами 5620 метрни ташкил этди. Толанинг бошқа хусусиятлари бўйича шунга мос равишда маълумотлар олинди.

Пахта толасининг технологик хусусиятларига ижобий таъсирни, қатор оралари ишлов чуқурлиги дастлаб чуқур, кейин саёз бўлган 4-вариантда, ҳамда дастлабки ишловни 17–18 см, кейингиларни 14–16 см чуқурликда ўтказиб, яганалаш олдида 23–25 см чуқурликда чизеллаш ўтказилган 6-вариантда кузатилди. Бундай ижобий таъсирни ҳар иккала суғориш муҳитида ҳам кўриш мумкин.

**Вўза қатор ораларини ишлаш чуқурлиги ва суғориш тартибларининг  
толанинг технологик хусусиятларига таъсири**

Вар. рақ.	Қатор ораларини ишлаш чуқурлиги, см		Толанинг технологик хусусиятлари						
	Бирин-чиси	Кейинги-лари	Узулиги, мм	Чикши, %	Пиллиқлиги, г/қуч	Метрик рақами, метр	Нисбий узилиш узунлиги, м/текс	Саноат нави	Микронейр
Суғориш тартиби ЧНДС га нисбатан 65–65–60%									
1	14–16	14–16	31,0	32,9	4,5	5800	26,4	I	4,5
2	14–16	17–18	30,9	32,6	4,4	5575	26,3	II	4,5
3	17–18	17–18	30,8	32,5	4,4	5550	26,0	II	4,6
4	17–18	14–16	31,9	33,4	4,7	5925	26,7	I	4,4
5	14–16	18–20	30,8	32,2	4,3	5570	25,4	II	4,6
6	17–18	14–16	32,0	33,8	4,8	5975	26,8	I	4,4
Суғориш тартиби ЧНДС га нисбатан 70–70–60%									
1	14–16	14–16	31,3	33,4	4,6	5875	26,4	I	4,5
2	14–16	17–18	31,0	33,2	4,5	5730	26,3	I	4,5
3	17–18	17–18	30,9	33,2	4,4	5725	26,1	I	4,6
4	17–18	14–16	32,4	34,0	4,7	5925	26,8	I	4,3
5	14–16	18–20	30,7	32,9	4,3	5620	25,8	II	4,6
6	17–18	14–16	32,3	34,1	4,8	6200	26,8	I	4,3